

## Ишончли ва тезкор «@inonuz\_bot» телеграм боти ишга тушди



11:19 / 16.12.2022 1654

Сир эмаски, бугунги кунда ахборот оламида кўплаб интернет сайтлари, хусусан, Telegram, Instagram, YouTube, Facebook, Twitter, TikTok каби ижтимоий тармоқлар жадаллик билан ривожланиб, фаолият юритиб келмоқда. Бироқ уларнинг барчаси ҳам ишончли манба ҳисобланадими?

Мана шу масалага ойдинлик киритиш, халқимизни турли фитнаю, кераксиз манбаларга кириб, овора бўлишларининг олдини олиш мақсадида inon.uz сайтининг @Inonuz\_bot телеграм боти ишга туширилди. Ушбу бот манбаларни ишончли ёки ишончсиз эканлигини аниқлаб беради. Жумладан, ижтимоий-сиёсий, диний-маърифий, ҳуқуқий-таҳлилий йўналишлардаги материалларнинг манбасини аниқлашда ушбу ботнинг хизмати беқиёсдир.

Ботдан самарали фойдаланиш учун манбанинг ҳаволасини ботга юбориш ёки улашиш (forward қилиш) кифоя қилади. Кейин @Inonuz\_bot манбанинг расмий ёки норасмий эканлиги ҳақида маълумот беради.

Ушбу ботнинг яна бир афзаллиги шундаки, уни гуруҳларга қўшиш имконияти ҳам мавжуд. Бунинг учун @inonuz\_bot га телеграм гуруҳда матн ёза оладиган админлик имкониятини бериш керак. Бот гуруҳга ташланган ҳар қандай маълумотларнинг манбасини @inonuz\_bot нинг базасидан текшириб беради.

@Inonuz\_bot ни ривожланиши учун телеграм тармоғида фаолият олиб бораётган канал маъмурларини ҳамкорликка чақирамиз.

Сиз фаолият олиб бораётган телеграм каналингизни @inonuz\_bot нинг маълумотлар базасига қўшиб, @inonuz\_adminbot га қуйидаги маълумотларни юборишингиз керак:

1. Канал маъмурининг исм-шарифи;
2. Телефон рақами;
3. Каналнинг ҳаволаси (линки);
4. Канал — расмий ташкилот, муассаса, идора ёки шахсга тегишли эканлиги ҳақида маълумот;
5. @inonuz\_bot ҳаволасини каналнинг тавсиф (description) қисмига қўшиб, screenshot ҳолатида юборишингиз сўралади. Биз уни текшириб, жавоб ёзганимиздан сўнг олиб ташлашингиз мумкин;
6. Каналнинг расмий веб-саҳифаси (агар бўлса, @inonuz\_bot нинг сайтлар қисмига ҳам қўшиб қўйилади).

Аллоҳ таоло ушбу тизимни мўмин-мусулмонларга манфаатли айлаб, самарасини беҳисоб қилсин.